




ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 37 (8.927)

1997 йил

31 март, душанба

Сотувда эркин нархда

МДХ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

МОСКВА, 28 март. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Кеча Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги юбилей учрашувида иштирок этиш учун бу ерга келди. Внуково аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари В. Серов, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидagi Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ш. Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кўтиб олди.

Бугун Кремль МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДХ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлис-

ларда МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши, интеграция жараёнини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ҳамдўстлик институти билан боғлиқ ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Улар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашди. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалалари бу музокаранинг бош мавзуси бўлди.

Ислам Каримов, шунингдек,



1-пайабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси шайримиздаги йирик саноат корхоналаридан саналади. Бу ерда юзлаб ўз касбининг усталари бўлган пайабзалчилар ишлашади. Уларнинг кўпчилиги қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

СУРАТДА: корхонанинг истеъмол буюмлари цехи ишчиларидан бир гуруҳи.

Рашид Галиев олган сурат.

Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси асосан республикамизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик саноати корхоналари учун йиғирув машиналари ва хом ип ишлаб чиқарадиган дастгоҳларни етказиб беради. Яқинда биз ушбу корхонада бўлиб унинг бош директори Олий Хейлин билан суҳбатлашдик.

— Корхонанинг иш бошлаганига 30 йилдан

нинг улушимизга тўғри келишини айтсам, корхонамиз ишлаб чиқариши зиммасига қай даражада масъулият юкланганини ўзингиз пайқаб olasiz.

Замон талабига хос тарзда дастгоҳ ва эҳтиёт қисмларимизга йил сайин ўзгаришлар киритиб бораёмиз. Улар тобора такомиллашиб жаҳон андозларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда. Чунки бугунги кунда илоҳи борица пахта толасини четга чиқармасдан ундан ўзимизда маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилинапти. Бу демек — тўқимачилик корхоналари билан бир қаторда бизнинг ишлаб чиқариш жараёнларимиз ҳам янада кенгайди деган сўзди. Маҳсулот тури қанчалик кўпайиши биринчи навбатда дастгоҳларимизнинг унуми ва микдорининг ортишига боғлиқ. Шунинг билан янги лойиҳадаги дастгоҳлар, йиғирув машиналарини ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бу ангилликлар четдан мутахассислар ёлланмасдан ўзимизда амалга оширилди.

Шу кунларда бир гуруҳ ангиллик ижодкорлари «ПА-70» йиғирув машинасининг янги моделини яратишга жазм этишган. Бу янги йиғирув дастгоҳида урчуқ ва дуқлар олдингисига нисбатан икки марта кўп бўлиб, унинг иш унуми ҳам бир неча хисса ортиб бўлади. Янги дастгоҳдаги барча жараёнлар тўла автоматлаштирилди.

Чет элликлар билан ҳамкорлик қилиш чораларини кўряпмиз. Хусусан бу борада швейцарияликлар билан алоқа боғлаганмиз. Бу мамлакатнинг «Зюссен» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этиш ҳаракатидамыз. Бу фирма юқори сифатли тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашгани билан оламга машҳурдир.

Истеъмол буюмлари тайёрлашга ҳам эътибор ортмоқда. Яқинда уларнинг сонини яна биттага кўпайди. Масалан, нон ишлаб чиқарадиган корхоналар учун хамир қоритилган турли ҳажмдаги алюмин ва чўян қозонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА — ДАВЛАТ МАДАДИ ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ ЁЙИПМОҚДА

Маълумки, бундан бир йил муқаддам Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши давлат қўмағига олинди, «Тошуйжойжамгармабанк» тузилган ва у аҳолининг пул маблағларини жалб этган ҳолда, улар учун уй қуриш тажрибасини бошлаган эди.

216 оила уй билан таъминланди, демек. 1997 йилнинг охирига қадар яна 2 минг оила уй-жойлик бўлади. Бу турар жойларнинг умумий майдони 200 минг квадрат метрни ташкил этади.

Тошкент давлат акционерлик уй-жой жамгарма банки — «Тошуйжойжамгармабанк» муассисларининг уй-жой жамгарма банки — «Ўзуйжойжамгармабанк»ка айлантириш тўғрисидаги Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк» акционерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ҳокимликларининг вилоят марказлари ва шаҳарларда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 20 та бўлиминини «Ўзуйжойжамгармабанк» таркибига киритилиши ҳақидаги таклифимиз ҳам тасдиқланди.

Эндиликда худди Тошкент шаҳар тажрибаси асосида вилоятлар худудларида фуқароларнинг жамғармалари жалб этилган ҳолда уй-жой қурилиши давом этади.

Қурилиш жараёни республика бўйлаб босқичма-босқич оlib борилади. Бунда асосий эътибор уй-жойга талаб жуда кучли бўлган худудларга қаратилади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА, Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Шохалил Шорахмудов раҳбарлигидаги мутахассислар Венгрияда бўлиб қайтди. Мухбиримиз сафар таассуротлари ҳақида у киши билан суҳбатлашдик.

— Шу йилнинг март ойида Венгрия пойтахти Будапештда ташкил этилган протез буюмлари, мосламалар ҳамда ногиронлар аравачиси ишлаб чиқарувчи «Рихард» ташкилотининг таклифига биноан шу шаҳарда бўлидик. Асосий мақсадимиз Ўзбекистонда ногиронлар аравачиларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил қилиш эди. Венгрияда ногиронлар саломамлигини тиклаш марказлари яхши йўлга қўйилган. Бу борадаги уларнинг тажрибасини ҳам ўргандик.

Сафар давомида иккита шартнома имзоланди. Биринчиси «Рихард» корхонаси ишлаб чиқарадиган ногиронлар аравачаларининг

бир қисмининг сотиб олишнинг қўзда тутиди. Маълумки, бу борада фаолият

юритадиган Австрия — Ўзбекистон қўшма корхонаси бор. Унинг базасида яна бир қўшма корхона тузиш, бу ерга Венгрия технологиясини келтириш иккинчи шартнома мазмунини тасқозо этади.

Будапешт шаҳрида жойлашган 340 ўринли реабилитация марказини ҳам бориб кўрдик. Венгрияда 400 ми-

нганга яқин ногиронлар бор экан. Бу таъминот мамлакат аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил қилади. Марказнинг мажмуида ўнла билимда ҳар хил жараҳат олганлар, оёқ, қўл протезига муқоаб бўлганлар, касалланишда шифо ололмаган ёки реабилитация-

дан ўтмаган беморлар даволанар экан. Беморлар 40-45 кун ичида жуда сифатли протезларга эга бўлиб, тулик реабилитациядан ўтишларини тўғри бўлидик. Марказ раҳбари жаноб Ласло билан биргаликда бизнинг реабилитация марказларимизда тиббиёт ходимлари, мутахассисларни ўқитиш, малакасини ошириш ма-

салаларини ҳам муҳоама қилдик.

Шунинг билан қўшма корхона, Венгрия нисбатан бадавлат мамлакат бўлишига қарамай, бу ерда протез мосламалар ногиронларга текинга берилмас экан. Ваҳоланки, бизда бундай мосламаларга муқтоб ногиронларга улар бепул берилади. Венгрияда бундай харажатнинг 15 фоизини қандайдир оталиққа олган жамоат ташкилотлари тўлаши ҳам мумкин экан. Ногиронларни транспорт билан таъминлаш ҳам бизни қизиқтирди. У ерда транспорт ногиронга жуда зарур бўлганда харажатнинг маълум бир қисминини давлат томонидан тўлаш билан чегараланар экан, холос. Ногиронлар саломамлигини тиклаш борасида Венгрия билан йўлга қўйилган ҳамкорлик икки томонлиқ бўлиши шубҳасиздир.

Шарофиддин ТУЛАГАНОВ ёзиб олди.

«РИХАРД» АРАВАЧАЛАРИ

баҳоланган ижод намуналарини сирасига кирган. Қўрғазманинг иккинчи залига ёш иқтидор эгалларининг тасвирий санъат асарларидан намуналар қўйилган бўлиб, улларда турли мавзулар кенг қамраб олинганини сезиш мумкин. Унда Миробод туманидаги Болалар ва Ўсмирлар иқтисодиёт марказининг тарбияланувчиси Ангела Беғматова чизган расмлар нозик дид билан яратилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ангеланинг айниқса «Хосил йиғиш», «Дўстлар» номли асарлари ёрқин бўёқларда акс этган.

Ёшнинг яқини йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, иқтидорли ёшларни вазирлиқнинг фахрий ёрликлари билан мукофотлади. Шунингдек, анжуман қатнашчиларига Улугбек номли иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари ҳам ўз совғаларини топширишди. Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, иқтидорли ёшларни вазирлиқнинг фахрий ёрликлари билан мукофотлади. Шунингдек, анжуман қатнашчиларига Улугбек номли иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари ҳам ўз совғаларини топширишди.

Зардуш — момоларимиздан қолган қўна мерос, — дейди Мамлакат. — У шунчаки хурағина эмас, балки ноёб санъат ҳақири. Бу санъатни эгаллаш учун кишида ўта нозик дид бўлиши зарур экан. Бир йил давомида зардушлик билан шуғулланиш жараёнида шу хулосага келдик. Зардушликни ўрганишга онам маслаҳат берган эдилар. Бундан сира афсусланмайман. Чунки келажакда зардушлик касбини эгалламоқчи эканман, бу санъатни авлоддан-авлодга ўтишида ўз хиссам бўлишидан фойдаланаман.

Зардушлик — момоларимиздан қолган қўна мерос, — дейди Мамлакат. — У шунчаки хурағина эмас, балки ноёб санъат ҳақири. Бу санъатни эгаллаш учун кишида ўта нозик дид бўлиши зарур экан. Бир йил давомида зардушлик билан шуғулланиш жараёнида шу хулосага келдик. Зардушликни ўрганишга онам маслаҳат берган эдилар. Бундан сира афсусланмайман. Чунки келажакда зардушлик касбини эгалламоқчи эканман, бу санъатни авлоддан-авлодга ўтишида ўз хиссам бўлишидан фойдаланаман.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

Илгари хабар қилганимиздек шахримизда иқтидорли ёшларнинг VI республика слёти бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари ижод намуналарининг якуновчи қўрғазмаси ўқувчилар республика саройида бўлиб ўтди.

Қўрғазманинг биринчи залида республика-

мизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган иқтидорли ёшларнинг миллий ҳунармандчилигимиз намуналаридан кулполик, темирчилик, зардушлик, уймакорлик каби халқ амалий санъати намуналарини учратиш мумкин эди. Бундан ташқари болалар ёғоч буюмларга нақш солиш, турли уйинчоқлар, уй-ўйғор жиҳозлари ясашда ҳам ўз иқтидорларини тўла намойён эти билишган.

Бу қўрғазмага қўйилган буюмлар қаторида шахримизнинг Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев номли болалар ва ўсмирлар иқтисодиёт марказининг фаол қатнашчиси, 224-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мамлакат Эгамбердиева ўз қўли билан тайёрлаган зарчопон, дўппи, ўзи тиккан қийқича, болалар қўйлақларини кўриш мумкин эди. Шунингдек, шаҳар қўшимча таълим мажмуи қатнашчиси, 14 ёшли Мурод Болтабоев турли шаклдаги катта-кичик қўтичалар ясаб, уларга солган нақшлари ҳам юқори

баҳоланган ижод намуналарини сирасига кирган. Қўрғазманинг иккинчи залига ёш иқтидор эгалларининг тасвирий санъат асарларидан намуналар қўйилган бўлиб, улларда турли мавзулар кенг қамраб олинганини сезиш мумкин. Унда Миробод туманидаги Болалар ва Ўсмирлар иқтисодиёт марказининг тарбияланувчиси Ангела Беғматова чизган расмлар нозик дид билан яратилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ангеланинг айниқса «Хосил йиғиш», «Дўстлар» номли асарлари ёрқин бўёқларда акс этган.

Ёшнинг яқини йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, иқтидорли ёшларни вазирлиқнинг фахрий ёрликлари билан мукофотлади. Шунингдек, анжуман қатнашчиларига Улугбек номли иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари ҳам ўз совғаларини топширишди.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

ШАҲАР ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 42-мактаб-гимназияда пойтахт бошланғич синф ўқувчиларининг она тили ва математика фанларидан олимпиада беллашуви бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ўқувчилари малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент давлат педагогика институтини бошланғич таълим методикаси кафедрасининг ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда шаҳримизнинг 11 туманидаги барча турдаги мактаблардан

50 нафар энг илгор ўқувчилар ўз кучларини синаб кўришди. Олимпиадада она тили бўйича ўзбек гуруҳлари ўртасида Чилонзор туманидаги 179-мактаб ўқувчиси Нигора Ғаниева, рус гуруҳлари ичида эса шу фан бўйича М. Улугбек туманидаги 50-мактаб ўқувчиси Алиса Тўрабековлар ғолиб чиқашди. Математика фанидан Шайхонтоҳур туманидаги 262-мактаб ўқувчиси Нафосат Ибрагимова, рус гуруҳлари ўртасида М. Улугбек туманидаги 140-мактаб ўқувчиси Ири-на Алексеевалар чуқур билим соҳиб, зукко фикрлай оладиган ўқувчи эканликларини намойиш этиб биринчи ўринларни эгаллашди.

Олимпиадада Чилонзор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек, Сирғали туманларидаги 262, 10, 148, 241, 179, 300, 284, 67, 282-мактаблар яхши натижаларга эришилди.

Очил ХАЗРАТОВ.

Кеча

бўлиб ўтган «Чилонзор» — «Пахтакор» учрашуви иккала жамоа учун ҳам низоҳатда масъулиятли ўйин эди. Кечани олий лигага чиққан ёш команда сифатида «Чилонзор»га илк зафарлар жуда катта аҳамиятга эга. Яна бир неча кундан сўнг ўзининг 40 йиллигини нишонлаётган «Пахтакор» учун эса фақат ғалаба зарур. Мухлисларнинг фикрича, ҳатто дуранг натижа ҳам байрам кайфиятига мос тушмайди! «Чилонзор» стадиони мух-

лислар билан тўлиб-тошди. Командаларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: уюшган жамоа ўйинига эга, ёш ва кучли «Чи-

Футбол

**МАСЪУЛИЯТЛИ
УЧРАШУВ**

ягона гол учрашув натижасини ҳал қилди. — Ўйин натижасининг «камтар»лигига қарамай, низоҳатда ажойиб беллашув бўлди, — дейиши қўллаб мухлислар. Бизнингча ҳам энг асосий, катта натижа шу! Кеча бўлиб ўтган 4-тур ўйинлари қуйидагича аяқланди:

«Андижон» — «Насаф» — 0:0
«Сўғдиёна» — «Зарафшон» — 1:0
«Афросиёб» — «Дўстлик» — 0:1
«Нефчи» — «Атласчи» — 4:2

Бугун ушбу турнинг яна учта ўйини бўлиб ўтади. Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

Мактуб

СОВУҚ СУВ
АСОРАТИ

Хурматли тахририят! Газетангизнинг 1996 йил 23 декабрь сониди эълон қилинган «Фақат аёллар учун» сарлавхали мақолани ўқиб, сизларга мактуб йўллашга қарор қилдик. Мени ҳам тўрт йилдан буён ана шу дард қийнаб келади. Иложи бўлса, ушбу касаллик ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Дилфуза Хошимова,
Андижон вилояти, Шахрихон
шаҳар, Ж. Низомиiddинов
кўчаси, 10-уй.

Ушбу мактубга II Тошкент давлат тиббиёт институтининг урология кафедраси ассистенти Жалол Мирхамидов жавоб беради.

— Пешоб тутиб тура олмаслик хасталигига қўпчилик қовқунинг шомоллаши, зўриқиши, яллиғланиши, мускулларнинг бўшашиши, қовқунинг пастта тушиб қолиши, ёки унда тош ҳосил бўлиши, ички таносил аъзолари касалликлари сабаб бўлади. Хасталикка чалинган бемор одатда уйку орасида пешоб чиқариб юборади. Баъзи беморлар қундуз кўни ҳушёр ҳолатда бўлатуриб ҳам беҳтиёр ҳў қилиб қўядилар. Ёки пешоб доимий томчилаб туриши мумкин. Баъзи кишилар эса совуқ сувни кўрганда, ҳаракат пайтида беҳтиёр пешоб бўшатиб юборишади. Буйрак хасталанганда, қовқ ва сийдик йўллари яллиғланганда пешобнинг оғрик билан чиқиши, тезлашиши, ёки, аксинча, қийинлик билан чиқиши кузатилади.

Бу аъзолар фаолиятининг бузилиши аксарият саломатликка эътиборсизлик, эҳтиётсизлик оқибатида ички кийимни ҳў ҳолатида кийганда, зах жойда ўтирганда шу хасталикни орттириб олиш мумкин. Яқинда фарзанд кўрган аёлларнинг иссик, қалин ички кийим киийишлари мақсадга мувофиқ. Ҳоҳ қишда бўлсин ҳоҳ ёзда, уларга ювингандан сўнг сочқ билан яхшилаб артиниш, мўтадил об-ҳаволи хонада бўлиш ва иссикроқ кийим киийишлари маслаҳат берамиз. Совуқ таомларни истеъмол қилишдан ҳам сақланиш керак. Бундан ташқари пешоб тутиб туришнинг бузилишига бошқа ички аъзолар ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бу хасталик даволас тузалиб кетадиган касалликдир. Шунинг учун тушқунликка тушишга ҳоҳат йўқ.

Ғайрат АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ
БЕРАДИПАР

Газетанинг 1997 йил 17 январь сониди «Уйларингиз яхши исиятпими?» деган мақола чоп этилган бўлиб, унда Сергели, Юнусобод, Собир Раҳимов туманларидаги баъзи уйларда иссиқлик таъминоти ёмонлиги танқид қилинган эди. Яқинда тахририят ушбу мақолага жавоб тариқасида Юнусобод туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиги А. Раззоков имзоси билан қўйидаги мазмунли хатни олди.

«Юнусобод тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси ва коммунал фойдаланиш бошқармаси йиғилишида мақола атрофлича муҳокама этилди. Газета танқиди тўғри деб топилди. Ушбу мақолада кўрсатилган фуқаро Собир Каримов истискоқмат қилаётган жой — яъни «Марказ-5» даги 60-уйнинг 74-хонадонига бориб, у ердаги шароит мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ушбу уйнинг биринчи қаватидаги хонадон Тошкент шаҳар ҳўқимининг 737-сонли қарорига асосан «Наврўз» номли китоб дўконига ажратиб берилган эди. Шунга кўра ушбу дўконга 1995 йилнинг 24 октябрида Тошкент шаҳар маъмурий ҳўқармашнинг 5183-сонли гувоҳномаси берилган. Ҳозирда китоб дўқони ва юқоридаги бошқарма ўртасида тузилган шартнома мувофиқ ушбу хонадонда таъмирлаш ишлари туғалланди. Хоналар етарли миқдорда иситилмоқда. Шунингдек, мавзедаги 63-уйнинг 73, 74, 76, 79, 80-хонадонларида ҳам иссиқлик белгиланган меъёрга таъминланмоқда. 60-уйнинг ертўласида олиб борилаётган пайвандлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шунингдек, газетада эълон қилинган «Натижа қачон бўлади?» номли танқидий мақолага ҳам жавоб хати олинди. Юнусобод туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиги имзоси билан йўлланган мактубда жумладан шундай дейилади.

«Юнусобод туман коммунал фойдаланиш корхонаси «Натижа қачон бўлади?» мақоласи юзасидан кенг ва атрофлича муҳокама олиб борди. Ингилиш қарорига асосан туманинг 14-мавзесида жойлашган 20, 15, 21-уйлар оралигидаги симёғочлар электр чироқлари билан таъминланди».

ХАТ БОСИПМАДИ,
АММО ЧОРА
КЎРИПДИ

«Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси 6-уйда яшовчи бир гуруҳ қарияларнинг «Тошкент оқшом» тахририятига «Бизга нима учун паспорт пулга берилди?» деб ёзган шикоят аризалари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва унинг паспорт бўлими ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда атрофлича кўриб чиқилди, — дейилади Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Т. Назаров имзоси билан олинган хатда. — Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори мувофиқ юқорида зикр этилган уй хонадонларида яшовчи қарияларнинг паспортларини йиғиб олишда етарли тушунтириш ишлари олиб борилаётган, эътирозлар келиб чиқишига йўл қўйилган. Натижада ўша даврда туман ҳўқимлиги томонидан юқоридаги қарорга биноан уруш қатнашчилиги, кам таъминланган ҳамда ногирон нафақахўрларга бепул паспорт бериш ва уларни суратга тушириш ишлари ташкил этилишига қарамай баъзи бир қарияларда норозиликлар пайдо бўлган. Аслида эса қарорда белгиланган имтиёзлар тоифасига кирмаган нафақахўрлардан оддий фуқаролар қатори белгиланган миқдордаги хизмат пули йиғиб олинган.

Бу ҳақдаги маълумотлар ва йиғилиш қарори шикоятчилар эътиборига етказилди ва улар бундан қаноат ҳосил қилишлар».

Ўзбекистонда ҳар бир инсон ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъовулардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституцияси 27 луддаси 1 қисмида шундай дейилади: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъовулардан, шахсий ҳаётга аралаштишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга».

Инсон шаъни ва обрўси бизда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина амалда қадрланадиган ва ардоқланадиган бўлди. Ҳар бир инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ҳурмати ва шу каби юксак қадриятларининг ҳимоя қилиниши давлатимизнинг демократик ва инсонпарварлик ҳусусиятидан келиб чиқади.

Конституцияда инсон шаъни ва обрўсининг дахлсиз деб эълон қилиниши ва ҳимоя қилиниши беҳиз эмас. Чунки, шаън — бу кишининг юксак инсоний фазилати, қадр-қиммати, яхши номи, обрўси, шон-шаъвати ҳисобланади, обрў — кишининг иши ва яхши хислатлари туфайли жамоатчилик олдида топан эътибори, ҳурмати, нуфузидир.

Шаън ва обрў сингари юксак инсоний қадриятлар Ўзбекистонда фақат Конституция билангина ҳимоя қилинмасдан, балки фуқаролик, маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий қонунларимиз, шунингдек, ахлоқ-одоб, юриш-туриш қоидаларимиз билан ҳам ҳар томонлама қўриқланади ва қафолатланади.

Конституцияда қафолатланган

ИНСОН ШАЪНИ
ВА ОБРЎСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айнаи шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Чунинчи, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қароридан назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди.

Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Бинобарин, шунинг ёдда тутиш керакки, инсон шаъни ва қадр-қимматини қасддан ерга уриш, гараз мақсадларда атайлаб обрўсизлантириш ва ҳоказолар қонун бўйича маъмурий-ҳуқуқбузарлик ёки жиноят саналади. Бунда айбдорлар одатда тўхмат ёки ҳақорат қилганлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 40-моддасида тўхмат, яъни билиб туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган. Жиноят Кодексининг 139-моддасига биноан эса тўхмат қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, айбни оғирлаштирадиган ҳоллардаги тўхмат учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Қонунларимиз инсон шаъни ва қадр-қимматини атайлаб, гараз ниятларда камситадиган ва ерга урадиган ҳаракатларни ҳақорат қилиш сифатида кўриб, тегишлича маъмурий ёки жиноий жавобгарликни белгилайди. Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 41-моддасига биноан, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг қадр-қимматини қасддан камситиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, Жиноят Кодексининг 140-моддасига кўра эса ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Демак, инсон шаъни ва қадр-қиммати қонун ва давлат ҳимоясида бўлиб, унга нисбатан ҳар қандай таъовуз тақиқланади.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг
катта ўқитувчиси.

Шаҳримизда шундай хизмат кишилари борки, улар дам олиш кўнари ҳам меҳнат қилишади. Бундайлар ҳақида гап борадга Миробод туманидаги Тўхтасин Абдуваҳобов раҳбарлик қилаётган «Махсустрас» автокорхонаси жамоасини ҳам тилга олиш жоиз.

— Жамоамиз шаҳарда озодаликни таъминлаш ишига жалб этилган, — дейди корхона раҳбари. — Шунинг учун эрта тонгдан кечгача туман ҳудуди ва унга қарашли маҳаллаларда юриб, жойларда йиғилиб қолган чиқиндиларни олиб кетиш билан машғул бўламиз. 1996 йил мобайнида 38 миллион 103 минг сўмлик иш бажарилди.

Асосий фаолиятимиз юқорида таъкидлаганимдек шаҳар, туман, маҳалла, кўчалар озодлиги, ободончилигини таъминлаш билан боғлиқ. 80 нафар ҳайдовчиларимиз, 20 дан зиёд автотранспортларимиз шу мақсад йўлида меҳнат қилмоқдалар.

— Ҳозир кўпчилик корхоналар ижара корхоналарига айланиб иш юритмоқда. Хусусан сизнинг корхонангиз ҳам. Шундай

экан, у қатъий шартнома асосида иш қўриши аниқ. Демокриманки, шартнома моддалари ўз вақтида бажариляптими?

— Ўтган йилда туман ҳудудидаги 350 та корхона, таш-

врда улар сони ортиб бормоқда. Яқин вақт мобайнида 30 та ахлат ташийдиган машина олдик. Ҳозирги кунда корхонамиз дарвозасидан кунига шаҳримиз кўчалари ободончилиги, озодлигини таъминлаш учун 54-55 машина чиқарилади.

— 1997 йил — Инсон манфаатлари йили. Шу маънода корхонангизда меҳнат қилиши манфаатлари йўлида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қандай иш-

Ободонлаштириш

АҲОПИ
ХИЗМАТИДА

килотлар билан шартнома тузилган эди. Бу йил эса туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан бу рақам 1472 тага етди. Корхона йил сайин йириклашиб бормоқда. Масалан бундан бир неча йил аввал бизда ҳаммаси бўлиб 24 тагина машина бор эди. Сўнгги да-

лар амалга оширилмоқда?

— Корхонамизда ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга азалдан алоҳида эътибор бериб келинади. Ҳар йили улар корхона томонидан махсус кийим-бош, шунингдек кир ювиш воситалари билан таъминланадилар. Ўтган йили

Саидмахмуд АБДУЛЛАЕВ.



«Чорсу» универсал дўқонида бугунги кун талаби асосида меҳнат қилишга киришилган. Бу ерда хорижий давлатлардан махсулотлар келтириб сотилиши билан бир қаторда кичик тикув цехлари ҳам ташкил этилмоқда. Бу тикув цехида қизлар ҳам маҳорат оширадилар, ҳамда замон талабига мос кийимлар тикиб чиқарадилар.

СУРАТДА: моҳир тикувчи
Дурдона Бурхонхўжаева.

БОЗОРДА БОР, ДЎКОНДА
ЙЎҚ

Буни қарангки, кўпдан бери дўконга чиқмаганим сабабидан ёнгинамдаги дўконнинг пештахтасида нима бор-у, нима йўқлигини билмас эканман. Эртасига ишдан қайтаётим ўша дўконга кирдим. Турли хилдаги минерал сувлар, овқатга ишлатилиши жуда ҳам зарур бўлмаган рўзгор махсулотлари пештахталарда чанг босиб ётпти. Беҳтиёр таниш сотувчини гапга тутдим.

— Пештахта устида ун, ёғ, шакар кўринмайди?

— Ёғ, ун ва бошқа махсулотлар учун пул ўтказиб қўйганимиз, аммо базардагилар ҳар сафар фақат қоп-қоп ваъда беришди, ҳолос.

Эртасига Юнусободдаги «Универсам» деб юритиладиган бозорга бордим. Пештахталарнинг усти турли-туман озиқ-овқат махсулотларидан тирбанд бўлиб кетган. Сармё, пахта ёғи дейсизми, қоп-қоп турли навлардаги ун, печенье-лардан тортиб кундалик истеъмол махсулотларигача очик ҳавода чанг-чунг остида, ҳеч бир санитария қоидаларига тўғри келмайдиган ша-

роитларда қўли-қўлига тегмайдиган дастёр болалар томонидан ҳам тошидан, ҳам пулидан уриб сотилмоқда. «Хой бола, нима қилиясан?» дейдиган одамнинг ўзи йўқ.

Тажжубдан ёқа ўшлайман. Нега энди бозорга чиққан махсулотлар учун дўконга борадиган йўли йўқ. Масалан, айтилик, сармё, пахта ёғи, ун, печенье ва рўзгор-бор-бор махсулотлар ўз корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган бир вақтда нега у бозорларда сотилиши керак? Беҳтиёр ўйланиб қолдим. Ахир Вазирлар Маҳкамасининг 8 турдаги озиқ-овқат махсулотлари доимий равишда дўкон пештахталарида бўлиши кераклиги ҳусусидаги қарори нега бажарилмапти? Нимага кундалик рўзгор учун зарур махсулотларнинг баҳоси ёёиб қўйилмапти? Ахир бозор иқтисоди деган тушунча, «Этласанг, қандиқни ур» қабилида ағлаш керак эмас-да! Яна бир гап, кўпгина дўконларда сўт келмай қўйганига ҳам ағна бўляпти. Кўча-кўйдаги сотувчилардан (унинг тозаллигига ҳеч ким қафолат бера олмайди) улар оғизга сиққан нарҳда сўт олишга тўғри келяпти.

Ажабо

МАШИНАЛАР ҚАРВОНИ

Йўлим ҳар кўни «Аҳмад Доши» бозори ёнидан ўтади. Машина йўли тор. Лекин шунга қарамай кечқурун машиналар турна қатор бўлиб кетишади. Автобус бекатга яқинлаша олмайди. Нега дейсизми? Чунки «танти-бойваччалар» машиналарини шундоққина бекатга кўндаланг қўйиб, бозорга кириб кетишади.

Йўловчи транспортта чиқмоқчи бўлган болалар оналар, ногирон кёксалар мерседеслар занжиридан ўтиб, автобусга чиқолмай чала-қалиб қолаверадилар.

Шаҳар кўчаларида икки сим ёғочнинг орасида биттадан йўл ҳаракати назорати ходимлари тургани ҳолда бундай назардан чекка ерларда уларнинг қораси кўринмайди. Бошқа бекатларда ҳам ахвол бундан яхши эмас. Биз юқорида тилга олган «Универсам» бекатига эса шундоққина яшил чироқнинг остида баъзан шахсий машиналар икки қатор бўлиб туриб қолади. Ҳатто пиедалар юрадиган йўлқаларга зич бўлиб тизилиб олишади. Худди

шу чорраха машиналар ва пиедалар учун энг серкатнов эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, кечқурунлари бу ерда бўладиган «томошани» бир тасаввур қилиб кўриг.

Кейинги бир-икки йил ичида шаҳар кўрғи гўзаллашиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда одамлар юрадиган йўлқаларни бутунлай машиналар эгаллаб олаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ҳатто баъзи идоралар эшигига яқинлашолмайсиз. Қўндалангига машиналар қўйиб ташланган. Бу гаплар қанчалик тўғрилигига гумон қилдиган одам тоғлиса шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бири бўлиши Навоий кўчасидан Чорсу тарафга қараб юриб кўрсин. Ҳар қадамда машиналар ҳўқмонлигини кўрасиз.

Бу ҳам етмагандек шаҳарнинг кўплаб марказий кўчалари машиналар ювиш маскасинга айланган. Гўзал шаҳримиздаги бу ҳуқуқ иллатларга ҳеч ким берафқ қараб турмаслиги керак.

Жўра МАҲМУДОВ.

Республикамизда маийш хизмат кўрсатиш энди шакллантиётган бир пайтда «Ўздавлоийхизмат» институтини ташкил этилган эди. Чунки илмий ва лойиҳа негизига эга бўлмай туриб, маийш хизматни ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳадаги корхоналарни зарур меъёрий техник ҳужжатлар билан таъминлашнинг иложи йўқ. Бозор муносабатлари шароитида, ўтган йили институт «Техмаийшлойиҳа» хиссасдорлик жамиятига айлантирилди. Шунга кўра илмий муассаса директори Улугбек Топшўлатовга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Дастлабки пайт билан ҳозирги даврдаги фаолиятни таққослаш қийин, албатта. Замона заили билан асосий иш йўналишларида ўзгаришлар юз берган бўлса керак?

— Албатта. Биз ўз олдимизга вазифалар қўётганимизда давр руҳи, мавжуд шароитни инобатга оламиз. Кези келганда шунини айтишим зарурки, «Техмаийшлойиҳа» соҳадаги ягона илмий муассаса ҳисобланади. Шундай экан, зимзамизга катта масъулият юклангани ўз-ўзидан аён. Жамоамиз илмий-техник ишлари бажариш, хусусан соҳага тааллуқли услубий ҳужжатларни яратиш, иқтисодий, маркетинг ва бошқа турдаги тадқиқотларни олиб бориш билан шўғулланмоқда.

Корхоналарни қайта жиҳозлаш, капитал қурилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари, махсулот ва хизматларга мўлжалланган техник шароитлар, стандартлар ишлаб чиқилди. Булардан ташқари, стандартлаштириш, метрология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини ҳам амалга оширмоқдамиз. Ностандарт жиҳозлар, мебеллар, металл буюмлар яратиш, таъсис ҳужжат-

лари, бизнес-режалар тайёрлаш, ахборот билан таъминлаш, дизайн, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш диққат марказимизда. Фаолиятимиздаги шуларга ўхшаш йўналишларни мисол тариқасида яна келтиришим мумкин.

— Ўтган йил қандай ачулаланди?

Маийш хизмат

Соҳада ягона
муассаса

— Жамиятимиз томонидан бажаришга ишларнинг умумий ҳажми 3518,1 млн сўмни ташкил этди. Соҳа учун кўплаб услубий ишланмалар ва таъминлар тайёрлаб берилди. Аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турлари, услублари бўйича рўйхат тайёрланди. Маийш хизмат соҳасида амал қилинаётган 12 та республика стандарти, 2 та техник шароитлар кўриб чиқилди. Булардан ташқари,

«Умид» хиссасдорлик жамиятига эса металл тайёрлаш учун меъёрий техник ҳужжатлар тайёрлаб бердик. «Шавкат ҳузурида» ҳусусий корхонасига сартарошлик хизмати кўрсатишда зарур бўлган сарф-харажатлар меъёри, «Чорсу» фирмасига маийш хизмат кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Ҳўжалик ҳисобидидаги гуруҳини томонидан «Оснэсурат» ҳусусий корхонаси, «Мунтазир» жа-

Сўхбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.




Сергели мебел ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамиятида турли-туман мебел хижозлари тайёрланади. Масалан, идора мебеллари, офислар учун хижозлар, бир турли ёзув столлари, стенкалар шулар жумласидандир.

Юқоридаги суратда корхонанинг етакчи муҳандис-технолог Людмила Казакова ва жамиятга қарашли фирма дўқони хизматчиси Б. Турсуновлар «Ульбника» деб номланган юмшқ мебел мажмуаси ва (орқада) уй шифаи сифатини кўздан кечиришмоқда.

Пастдаги суратда: янги шифаи туркуми.

Рашид Галиев олган суратлар.



БАРЧА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларни бюджет олдига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздор бўлган корхоналарнинг рўйхатга олинган мол-мулкни сотиш бошланиши тўғрисида хабардор этади.

Бу мол-мулкларни сотиб олиш учун туман давлат инспекцияларига қуйидаги телефонлар орқали кўнгиноқ қилиш мумкин.

1. Акмал Икромов	74-21-66
2. Бектемир ЗКПД	98-71-65
3. СМУВР СМВС	58-89-86
4. Мирзо Улугбек	36-17-26
АВЭК «Моторс»	65-36-55
«Технезис Инфо»	67-19-10
«Тошавтоматика»	67-29-02
«Мелиориумлиш»	68-63-26; 35-61-05
123-ПМК	62-12-07; 62-14-50
«ТМК»	67-05-54; 67-39-73
4. Миробод	54-96-27

5. Собир Раҳимов	48-84-43
6. Сергели	54-71-93
«Альва»	58-46-72
7. Ҳамза	94-47-62
«Тайсот»	90-41-61
8. Чилонзор	77-34-18
2-РСУ ТЖР трести	77-83-45; 77-66-71
1-РСУ ирригация трести	45-43-44; 45-36-54
«Герметик»	76-22-13
9. Шайхонхур	41-37-05
«Орзу»	49-17-67
10. Юнусобод	35-78-74
11. Яккасарой	50-99-87

ШАРТНОМА НАРХЛАРИ БЎЙИЧА СОТИЛАДИГАН МОЛ-МУЛК РЎЙХАТИ

Турлари	Ўлчаш бирлиги	миқдори
МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИ		
1. «Волга» ГАЗ-24 автомашинаси	дона	7
2. «Волга» ГАЗ-31 автомашинаси	дона	3
3. «Супер-салон» автомашинаси	дона	1
4. УАЗ автомашинаси	дона	1
5. ЗИЛ-130 автомашинаси	дона	2
6. КАВЗ автобуси	дона	1
7. «Белорус» экскаватори	дона	1
8. КО 413 ахлат ташувчи машина	дона	1
9. Йул текисловчи машина	дона	1
10. 2-0000-00 бош редуктори	дона	12
11. 8-1400-00 қўриқчи механизми	дона	7
12. У-3720-0100 сепелениги муфтаи	дона	85
13. 2-0001-00 лебёдка редуктор	комплект	3
14. 4-6000 А жихози	комплект	2
15. Ингиш-аэрайти модули	дона	1
16. Гидравлик пресс	дона	4
17. 692 Р русумли шпон фрейзери	дона	1
18. 5993 резбачи очуви приматомат	дона	1
19. Вертикал пармаловчи дастгоҳ	комплект	2
20. Радикал пармаловчи	комплект	2
21. 3 В 282 силликовчи координати	комплект	1
22. 49-459 йўнвчи агрегат	комплект	1
23. Пластмассалар учун пресс	комплект	5
24. Винт қирқувчи токарлик дастгоҳи	комплект	5
25. 3 Е 642 Е универсал йўнвчи	комплект	1
26. 6 М 12 П вертикал фрейзери	комплект	3
27. 6 Р 82 консоль фрейзери	комплект	1
28. Горизонтал фрейзер	комплект	2
29. Лист қайчи	комплект	2
30. 3 Л 722 босик силликовчик	комплект	1
31. КД 2128 Е қривошл. пресси	комплект	1
32. ГФ 2687 продол фрейзери	комплект	1
33. «Гелера» арриси	комплект	1
34. НВ-5222 комбинацияли пресс қайчи	комплект	1
35. Компьютерлар	комплект	8
36. Компьютерлар учун дастурлар	комплект	4
37. 387 ДК сопроцессори	комплект	8
38. 3,5; 1,44 дискетлари	дона	42
39. Узлуksиз қувват манбаси	комплект	1
40. Калькулятор	дона	2
41. Принтер	дона	5
42. «Мурата» телефакси	дона	1
43. Видеоадаптер	дона	1
44. Телевизор	дона	1
45. Холодильник	дона	1
46. Радиатор	дона	20
47. Со-140	дона	1
48. Эшик блоклари	дона	56
49. Шафк блокли	дона	20
50. Гулгозлар	квадрат метр	1051
51. Катта белураклар	дона	600
52. Ер чапидан белураклар	дона	600
53. Воронкалар	дона	28
54. Бўша анжомлари	дона	400
55. Бўша рўчалари	дона	286
56. Кельмалар	дона	477
57. Сараланган гўлалар	куб метр	3
58. Полутёркалар	дона	57
59. Бўёқ	килограмм	3000
60. Курок бўёқ	килограмм	808
61. Ил-газлама халатлар	дона	150
62. Паркет учун лак	тонна	2
63. Дуб плитини	погон метр	150
64. Фортонка рўчалари	дона	1400
65. Эшик орасига қўйиладиган қўлфлар	дона	100
66. Монтажилар каскалари	дона	70
67. Ёзув столлари	дона	20
68. Илора мебели	комплект	1
69. Д-22 арматураси	тонна	1,5
70. Пайвандлаш аппарати	комплект	1
71. Мебель шитлари	квадрат метр	185,8
72. Шлаклевка	килограмм	122
73. Қоплама курткалар	дона	22
74. 0012 бочкалари	дона	92
75. 0-12 двигатели	дона	259
76. 312 диоди	дона	920
77. МБГО конденсатори	дона	10836
78. Монометр	дона	192
79. Т-19-220 трансформатори	дона	5524
80. Нон учун пештахталар	дона	1200
81. ССК-1	дона	2
82. СВЗ	дона	7
83. РХ-1	дона	5
84. КО-2	дона	1
85. КО-1	дона	5
86. Пресс форма	дона	1

Турлари	Ўлчаш бирлиги	миқдори
87. Ёғоқ қуритич	дона	3
88. Думалоқ стол	дона	181
89. Иш коржомаси	дона	984
ҲАМЗА ТУМАНИ		
1. ЭТЦ-2011 дренаж эптувчи	дона	1
2. АГ 180 автогрейдер	дона	1
СЕРГЕЛИ ТУМАНИ		
1. Пластмассали затвор	дона	18000
2. ВАЗ-2109 прокладкаси	дона	1106
3. ЗИЛ-130 прокладкаси	дона	20
4. «Москвич» салниги	комплект	350
5. ГАЗ 24 салниги	комплект	373
6. Авто юртовуви	дона	1
7. Электр тикув машинаси	дона	1
ШАЙХОНХУР ТУМАНИ		
1. Телефакс	дона	1
2. ПВМ	дона	3
3. Эмаль	килограмм	2093
БЕКТЕМИР ТУМАНИ		
1. ЕрАЗ 762 автомашинаси	дона	1
2. УАЗ автомашинаси	дона	1
3. ЭО 261 экскаватори	дона	1
4. «Урал» мотоцикли	дона	1
5. Пневматик болга	дона	1
6. Электр тешувчи	дона	1
7. «Вега» магнитофони	дона	1
8. ДВМС 1840/05	дона	1
9. Контейнерли уй	дона	1
10. Дала шийона	дона	1
11. Омборкони	дона	1
12. Полигон	дона	1
13. Гелиополитон	дона	1
14. Чорпоқли кран	дона	3
15. Бетон ётқизувчи	дона	2
16. Уй мажмуаси	дона	4
17. Пелополитерол цехи	дона	1
ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ		
1. Тракторлар	дона	2
2. Пайвандлаш агрегати	дона	3
3. Пайвандлаш трансформатори	дона	1
4. Пайвандлаш аппарати	дона	2
5. Трактор прицепи	комплект	7
6. Вертикал пармалаш дастгоҳи	дона	1
7. Контейнерли дастгоҳи	дона	1
8. Гидравлик пресс	дона	1
9. Электроталь	дона	1
10. Экскаватор	дона	3
11. Кондиционер	дона	13
12. Принтер	дона	1
13. Ёзув машинкаси	дона	5
14. Пейджер	дона	2
15. «Снежинка» холодиличли	дона	1
16. «Океан» «Илга» радиоприймниклари	дона	3
17. «Семур» телевизор	дона	1
18. ТД 933 магнитофони	дона	1
19. Видеомагнитофон	дона	1
20. Акустик система	дона	2
21. Илора креслоли	дона	1
22. Вагонча	дона	2
23. Двигатель	дона	1
24. Дизель ёнгилгиси	литр	1000
25. Ф 32 трубалари	тонна	1,18
26. Трансформатор	тона	2
27. М 432П электр эрозил дастгоҳи	дона	1
28. 3 А 722-Б босик силликовчи дастгоҳ	дона	3
29. 24К40Фс ЧПУ координат пармалаш фрейзер чарловчи дастгоҳ	дона	1
30. 25 ТН КД 2144 механик пресси	дона	1
31. Б1 М-1-102 конвейер пекчаси	дона	6
32. 292 кукули пресси	дона	1
33. 8611 олмос кесувчи дастгоҳ	дона	1
34. ИЛ-717 ФЕ универсал токарлик дастгоҳи	дона	1
35. Пуркаш қурилмаси	дона	1
36. 2400А ЦОМ-3 босма плиталари ювиш учун қурилма	дона	1
37. Шарбат тайёрлаш учун жихозлар	комплект	2
38. ОФ-3 ВМ 84 ЧПУ пармалаш дастгоҳи	дона	1
39. ЧПУ 65204 фрейзер дастгоҳи	дона	1
40. ДЕ-3134 қўйиш машинаси	дона	1
41. Бодрок тайёрлаш учун «Лаконика» қурилмаси	дона	3
42. КХ 212-101 совутиш камераси	дона	1
43. РШ-3 қовуриш дастгоҳи	дона	1

СЕШАНБА, 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.	17.10 Янгилликлар.
8.00-8.25 «Ахборот».	17.15 Ўзлонлар.
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.	17.20-17.40 Россия жамоат телевидениси.
8.35 Лирик концерт.	20.40 Ўзлонлар.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.	20.45 «Блаши». Телевизиал, 8-серия.
9.15 «Морена Клар». Телевизиал.	21.30 «Шоҳсупа сари йўл».
10.00 Янгилликлар.	
10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».	
10.30 Умумий биология.	
11.00 Инглиз тили.	
11.30 «Соз сеҳри». Мусикий дастур.	
12.00 «Юрт таянчлари». Публицистик курсатув.	
12.20 УЭТВ хазинасидан. К. Аваз, И. Нибзатов. «Жаббу Жўжакининг хўйласи». Видефильм.	
14.00-14.05 Янгилликлар.	
17.55 Кўрсатувлар тартиби.	
18.00 Янгилликлар.	
18.10 «Кичкин-тойми-гизинг-тойми».	
18.30 «Спорт, спорт, спорт».	
18.50 «Саньатор». Ўзбекистон халқ артисти Ғани Азизов.	
19.25 Ўзлонлар.	
19.30 «Ахборот» (рус тилида).	
19.50 Ўзлонлар.	
19.55 «Манавайт». «Оҳанглардан таралган меҳр».	
20.15 Оқшом эрталари.	
20.25 Ўзлонлар.	
20.30 «Ахборот».	
20.55 Ўзлонлар.	
21.00 «Буюк келажак сари».	
21.20 «Шайхонхур-ТВ».	
21.50 Экранда — кинокомедия «Омда хамша келавермайди».	
23.10 «Замон».	
23.25 Ўзлонлар.	
23.30 «Ахборот».	
23.55 Тўғи тароналар.	
00.15-00.25 «Ватан тисоллари».	

ПАЙШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.	17.10 Янгилликлар.
8.00-8.25 «Ахборот».	17.15 Ўзлонлар.
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.	18.00 Янгилликлар.
8.35 «Яши кайфият». Мусикий дастур.	18.10 «2000-йилдан сўнг». Телевизиал.
8.55 «Иқтисодий чорраҳаларида».	18.30 «Йўллар ва йўллар».
9.15 «Морена Клар». Телевизиал.	18.50 «Билбл қўйган яхши».
10.00 Янгилликлар.	19.00 «Катта танаффу».
10.05 «Хавас-ТВ».	19.25 Ўзлонлар.
10.20 «Олтин кўш».	19.30 «Ахборот» (рус тилида).
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.	19.50 Ўзлонлар.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.	19.55 «Юзма-юз».
11.30 География.	20.15 Оқшом эрталари.
11.50 «Бор эканда, йўқ экан...» Бадий фильм.	20.25 Ўзлонлар.
12.00 «Бор эканда, йўқ экан...» Бадий фильм.	20.30 «Ахборот».
12.35 «Солғом заводи учун».	20.55 Ўзлонлар ва Ўзлонлар.
13.40 «Фаруҳ ва Зумрад». Мультфильм.	21.15 «Киногон».
14.00-14.05 Янгилликлар.	23.00 «Ханда дўхони».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.	23.20 «Санта-Барбара». Телевизиал бадий фильм.
18.00 Янгилликлар.	00.10-00.20 Кундалик.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телевизиал.	
18.30 «Йўллар ва йўллар».	
18.50 «Билбл қўйган яхши».	
19.00 «Катта танаффу».	
19.25 Ўзлонлар.	
19.30 «Ахборот» (рус тилида).	
19.50 Ўзлонлар.	
19.55 «Юзма-юз».	
20.15 Оқшом эрталари.	
20.25 Ўзлонлар.	
20.30 «Ахборот».	
20.55 Ўзлонлар ва Ўзлонлар.	
21.15 «Киногон».	
23.00 «Ханда дўхони».	
23.20 «Санта-Барбара». Телевизиал бадий фильм.	
00.10-00.20 Кундалик.	

ЧОРШАНБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.	18.00 Кундалик.
8.00-8.25 «Ахборот».	18.10 Бугун пайшанба дастурида.
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.	18.15 Ўзлонлар.
8.35 «Яши кайфият». Мусикий дастур.	18.20 «Эриштон». Мультфильм.
8.55 «Иқтисодий чорраҳаларида».	18.35 «Сўя ости дўнбас».
9.15 «Морена Клар». Телевизиал.	18.50 Ўзлонлар.
10.00 Янгилликлар.	19.30 «Ахборот» (рус тилида).
10.05 «Хавас-ТВ».	19.50 Ўзлонлар.
10.20 «Олтин кўш».	19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телевизиал.
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.	20.25 Ўзлонлар.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.	20.30 «Ахборот».
11.30 География.	20.55 Ўзлонлар.
12.00 «Бор эканда, йўқ экан...» Бадий фильм.	21.00 «Якинор тур».
12.35 «Солғом заводи учун».	21.30 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
13.40 «Фаруҳ ва Зумрад». Мультфильм.	21.50 Кундалик.
14.00-14.05 Янгилликлар.	22.00 «Хавас-ТВ».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.	22.10 «Киногон».
18.00 Янгилликлар.	22.20 «УЭТВ хазинасидан. А. Чўпон таваллудининг 100 йиллигига «Кеча ва кунду» Видефильм. 1-қисм.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телевизиал.	22.35 Ўзлонлар.
18.30 «Йўллар ва йўллар».	22.50 Ўзлонлар.
18.50 «Билбл қўйган яхши».	23.00 «Ахборот».
19.00 «Катта танаффу».	23.15 «Манавайт».
19.25 Ўзлонлар.	23.30 «Ахборот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).	23.55 Мақом қўйлар.
19.50 Ўзлонлар.	00.20-00.30 «Ватан тисоллари».
19.55 «Юзма-юз».	
20.15 Оқшом эрталари.	
20.25 Ўзлонлар.	
20.30 «Ахборот».	
20.55 Ўзлонлар.	
21.00 «Якинор тур».	
21.30 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».	
21.50 Кундалик.	
22.00 «Хавас-ТВ».	
22.10 «Киногон».	
22.20 «УЭТВ хазинасидан. А. Чўпон таваллудининг 100 йиллигига «Кеча ва кунду» Видефильм. 1-қисм.	
22.35 Ўзлонлар.	
22.50 Ўзлонлар.	
23.00 «Ахборот».	
23.15 «Манавайт».	
23.30 «Ахборот».	
23.55 Мақом қўйлар.	
00.20-00.30 «Ватан тисоллари».	

ЖУМА, 4

19.55 «Фарина» баридан чиққан фирбирларлар». Телевизиал.	6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
20.20 «Спорт кутубси».	8.00 — 8.25 «Ахборот».
20.25 Ёзиллар.	
20.30 «Ахборот».	
20.55 Охонлар ва Ёзиллар.	
21.10 «Кинионгох».	8.25 Поштахт концерт залларида.
22.50 Кундалик.	8.55 «Ўзбекистонфильм» намойиш этади: «Ла-ла».
22.55 «Зеримий десангиз».	9.05 «Ўзбекистон-из».